

2-6eT

Шунингдек, йиғилишда сўзга чиққанларнинг фикр-мулоҳазалари, таклифлари тингланди. Раҳбарият томонидан мутасаддиларга, қурилиш соҳасини ислоҳ этиш борасида олиб борилаётган сиёсат тўлақолини ижро этилишини назоратга олиш, сустанкаликка йўл қўймаслик, тизимни янада такомиллаштиришга қаратилган муҳим вазифалар бўйича топшириқлар берилди.

САНОАТ ЗОНАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

1-бет

Маълумки, 200 миллиард сўмдан юқори бўлган лойиҳалар инфратузилмаси учун харажатларни давлат томонидан молиялаштириш жорий қилинган. Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё, Фаргона ва Тошкент вилояти тадбиркорлари бу имкониятдан фойдаланиб, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича 630 миллион долларлик лойиҳалар ташаббуси билан чиққан.

Шундай лойиҳалар учун жорий йилда ҳудудларга 170 миллиард сўм ажратилиши қайд этилди. Вилоят ҳокимлари бошқа ҳудудларга бориб, бир-бирининг тажрибасини ўрганиши муҳимлиги таъкидланди.

Самарқандда 300 гектар майдонда янги махсус саноат зонаси ташкил этилиши айтилар экан, у ерда бизнес учун қулай шароитлар яратиш, импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган лойиҳаларни шакллантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари саноат зоналарида иш бошлашдаги бюрократияга алоҳида тўхталиб ўтди. Бу борадаги тартибни соддалаштириш чоралари белгиланди. Унга қура, эркин иқтисодий зоналарда амалга ошириладиган лойиҳаларни экспертиза қилиш ваколоти Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига ўтказилади. Импортда имтиёزلарни қўллаш учун Лойиҳаларни ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш марказининг ҳулосасини олиш тартиби бекор қилинади.

Шу пайтгача саноат зоналаридаги ерлар аукционга ҳокимлик томонидан қўйилар эди. Энди инвестиция мажбуриятлари белгиланиб, мазкур зоналарнинг дирекциялари томонидан чиқарилади. Шунингдек, инвестиция мажбуриятлари тўлиқ бажарилганидан кейин аукцион орқали олинган объектларни ҳусусийлаштиришга рухсат берилади.

Буларнинг ҳисобига саноат зоналарига лойиҳаларни жойлаштириш жараёнидаги босқичлар сони камайиб, бунга кетадиган вақт 3 ойдан 1 ойгача қисқаради. Президентимиз кичик саноат зоналарида узоқ йиллардан бери фаолият юритиб келаётган тадбиркорларнинг ер ва бино-иншоотлари билан боғлиқ масалаларини ҳал қилиш бўйича ҳам топшириқ берди.

Маҳсулотларнинг экспортбоплигини, халқаро стандарт ва истеъмолчи талабларига мослигини таъминлаш учун айрим саноат зоналарини хорижий компанияларга бошқарувга бериш, улардан инвесторларни жалб қилиш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан ҳокимлар ҳисобот берди, тадбиркорлар таклифларини билдирди.

ЎЗА.

Ўзбекистон қурувчилар ассоциацияси: МАҚСАД – ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИГА КЎМАКЛАШИШ

Жамият – мураккаб тизим. Унда маълум соҳа вакиллари доимий ҳаракатда бўлади. Соҳалар вакилларининг манфаатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари негизда турли ассоциация, уюшмаларга бишлашади.

Мамлакатимизда қурилиш соҳасини ривожлантириш, қурилиш корхоналари ва давлат ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш, шунингдек, соҳага инновациявий янгиликларни олиб кириш мақсадида Ўзбекистон қурувчилар ассоциацияси ташкил этилди.

Айтиш жоизки, улкан реконструкция жараёнлари соҳа вакилларини бишлашишга ундади. Ҳозирда мазкур ассоциация кўплаб ҳаракатлар олиб бориши натижасида ўзига хос мақомга эришмоқда. Ассоциациянинг мақсадлари, унга аъзо бўлиш талаблари ва фаолияти ҳақида унинг раиси Ботир ХОЛМАТОВ билан суҳбатладдик.

– Ўзбекистон қурувчилар ассоциациясини ташкил этиш гоёси қачон тугилган?

– Республикамизда кенг қамровли қурилиш ишларини амалга ошираётган, объектларнинг реконструкциясида жонбозлик кўрсатаётган компаниялар бисёр. Бу ташкилотлар кўп йиллик фаолиятлари давомида юқори тажриба ва амалиётга эга. Жумладан, “Murad buildings” МЧЖ, “Nazarov Rakhimbayev group” МЧЖ ҚҚ, “First development group” МЧЖ, “Discover invest” МЧЖ ва “Perspective-building” МЧЖ каби ташкилотларнинг ташаббуси билан юртимизда қурувчиларнинг яхлит бирлашмасини ташкил этиш гоёси илгари сурилди. Қурилиш соҳасининг жадал ривожлантирилиши натижасида қурилиш жараёнларининг шаффофлигини оширадиган, қурилиш-пудрат ташкилотларини бирлаштирадиган, ҳукумат ва кўчмас мулк харидорлари билан икки томонлама ҳамкорлигини йўлга қўядиган профессионал ташкилотга эҳтиёж сездик. Натижада 2021 йил охиридада Ўзбекистон қурувчилар ассоциацияси ташкил этилди. Албатта, у давлат ва қурилиш-пудрат компаниялари ўртасида мустаҳкам боғловчи бўлганга айланишига умид қиламиз. Ассоциациянинг ташкил этилишидан асосий мақсад, қурилиш соҳасини ривожлантириш, янги турар жойлар сифатини ошириш, истеъмолчилар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда кўчмас мулк соҳасини такомиллаштириш, хорижий стандартлар ва инновацияларни жорий этишдир.

– Қурилиш соҳаси миллий иқтисодиётимизнинг ийрик бўлагига айланиб улгурди. Соҳада фаолият олиб бораётган компанияларнинг салмоғи ҳам ортди. Ҳозирда ассоциациянинг аъзо қурилиш ташкилотлари билан алоқаси қай тартибда амалга ошири-



лади ва ташкилотнинг вазифалари нималардан иборат?

– Албатта, бугунги Ўзбекистон ландшафтини йирик қурилишларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Эндиликда бевосита йирик реконструкция жараёнлари билан боғланиб кетган ислохотлар ичида яшааямиз. Ҳақиқатан ҳам мамлакатимизда қурилиш соҳасида кескин ўсиш кузатиляпти. Ўзбекистон Қурувчилари ассоциациясини ташкил этишдан кўзланган мақсад ҳам шу каби унсурларнинг замирида ётади. Бугун бирлашмамиз давлат органларига қурилиш соҳасини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиш, мазкур соҳа қонунчилигини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш билан машғул. Шунингдек, аъзоларимизнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, замонавий технология ҳамда инновацион ғояларни жорий этиш, ривожланган давлатларнинг ушбу соҳадаги тажрибасини ўрганиш ва татбиқ этиш, қурилиш соҳасидаги мутахассисларнинг малякасини ошириш учун ўқув ва бизнес тадбирларини ўтказиш билан машғул бўлмоқда.

– Ҳозирда ассоциацияга нечта қурилиш компанияси аъзо бўлган ва бу компаниялар қандай ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларга эга?

– Ҳозирча 9 та йирик қурилиш ташкилотлари ассоциацияга аъзо. Улар маълум ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади. Бу қондларга тўғри бошқарувни амалга ошириш ва иш жараёнларини эркинлаштириши билан аҳамиятлидир. Ҳусусан, ташкилотларнинг мажбурият ва имтиёзларини қўйидагича таснифлашимиз мумкин. Бунда резидентлар жорий имкониятлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга:

ассоциация фаолияти тўғрисида маълумот олиш;

ассоциация бошқаруви ва назорат органларига таклифлар киритиш, уларни шакллантиришда иштирок этиш;

ассоциациянинг қабул қилинган дастурлари ва лойиҳаларини амалга оширишда иштирок этиш;

ассоциация бошқаруви органлари хизматларидан фойдаланиш;

ассоциация маълумотлар базасига кириш, илмий ва услубий маълумотлардан фойдаланиш;

ассоциация бошқаруви органларига номзодларни кўрсатиш ва сайлаш;

ассоциация фаолиятига тегишли масалалар бўйича қарорларни қабул қилишда иштирок этиш;

ассоциация хизматларидан беғараз фойдаланиш;

умумий йиғилишларда тенг овозга эга бўлиш;

ассоциация фаолияти бўйича таклиф ва мулоҳазалар билдириш, барча масалаларни кўриб чиқишда қатнашиш;

ассоциация фаолияти, унинг режалари ва дастурлари тўғрисида маълумот олиш;

ассоциация бошқарув органларидан умумий йиғилиш қарорлари ва уларнинг таклифлари бажарилиши тўғрисида маълумот сўраш;

умумий йиғилишнинг навбатдаги ва навбатдан ташқари йиғилишлари кун тартибига таклифлар киритиш;

ассоциация бошқаруви органларига унинг фаолиятига тегишли ҳар қандай масалалар бўйича мурожаат қилиш;

маслаҳат, кўрсатма ва бошқа ёрдам учун ассоциацияга мурожаат қилиш;

ассоциациядан ихтиёрий равишда чиқиб кетиш;

устав қоидаларига тўлиқ амал қилиш; аъзолик бадалларини белгиланган тартибда ўз вақтида тўлаш;

ассоциация бошқаруви органларининг қарорларини ижро этиш;

почта манзили, алоқа телефонлари ўзгариши тўғрисида ўз вақтида хабар беришдир.

– Ассоциацияга аъзо бўлган ташкилотлар қандай имкониятларга эга бўлади?

– Ассоциация фаолиятида иштирок этмоқчи бўлган қурилиш ташкилотлари унинг умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган тартиб асосида аъзо ёки кузатувчи сифатида кириши мумкин. Бунинг учун бошқарув раиси номига ариза билан чиқилади. Шунингдек, аризада ташкилотга тегишли маълумот ҳамда ҳужжат нусхалари илова қилинади. Мурожаат умумий йиғилиш қарори билан маъқуллангандан сўнг, аъзолик бўйича шартнома имзоланиши белгиланган.

Кейинчалик, умумий розилик асосида уюшмага қабул қилинган резидентлар ташкилотнинг бошқа аъзолари каби ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлишади.

– Бугунги кунда қурилиш ташкилотлари қизғин иш жараёнларини олиб борапти. Умуман, Ўзбекистон қурувчилар ассоциацияси ташкил этилганидан буён қандай ишларни амалга оширди?

– Ташкилот қурилиш соҳасидагиларга ҳар томонлама кўмак кўрсатиш, соҳага доир қонунчилиكنи такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш, илғор халқаро тажрибани ўрганиш, замонавий технологиялар ва инновацион ғояларни жорий этиш ишларини олиб бормоқда. Бундан ташқари, ҳозирда хорижий давлатлардаги қурилиш соҳаси жамоалари билан ўзаро алоқалар ўрнатилиб, тажриба алмашилмоқда. Жумладан, яқинда Қозғистон қурувчилар ассоциацияси билан ҳамкорлик Меморандуми имзоланди. 2021 йил давомида эътиборни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини муҳокама қилиш порталида берилган қурилиш соҳаси билан боғлиқ масалаларга ҳамда аъзоларимиз томонидан киритилган қурилиш соҳасида мавжуд муаммолни масалалар бўйича таклиф ва мулоҳазаларга қаратиб, ҳамкорликда ишлаб чиқилган таклифлар тегишли вазирлик ва идораларга борилди.

Ўзбекистон қурувчилар ассоциациясининг келгусидаги асосий вазифаси унинг уставида ва 2022 йилга тасдиқлангандиган иш режасида ҳамда Умумий йиғилишлар қарорлари билан белгиланган вазифалар ҳамда мажбуриятлар ижросини таъминлашдан иборатдир.

“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири
Ислом ИБОДУЛЛА
суҳбатлашди.

“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмасига 211 та мурожаат келиб тушган

Райхона ХЎЖАЕВА,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

АОКАда ўтказилган брифингда “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси Ахборот хизмати раҳбари Жамшид Шерметов ОАВ вакилларига аҳоли мурожаатлари ҳақида маълумот берди.

Таъкидланишича, жорий йилнинг ҳисобот даврида “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмасига 211 та жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари келиб тушган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонаси (rpm.gov.uz) орқали 132 та ҳамда бевосита уюшмага 79 та мурожаат йўлланган.

Уюшмага келиб тушган мурожаатлардан 33 таси қаноатлантирилган, 24

тасига тушунтириш берилган, қолган 21 таси эса тегишлилиги бўйича бошқа ташкилотларга ижро учун юборилган ҳамда 1 та топшириқ айна пайтда ўрганиш жараёнида. Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонаси (rpm.gov.uz) орқали келиб тушган мурожаатлардан 13 таси қаноатлантирилган, 65 тасига тушунтириш берилган, қолган 54 таси тегишлилиги бўйича бошқа ташкилотларга юборилган.

Тахлиллар натижасида аксарият мурожаатлар уюшма тизимидаги “Ку-васойцемент” АЖ, “Бекобдцемент” АЖ, “Қизилқумцемент” АЖ, “Оҳангронцемент” АЖга йўлланган. Ҳусусан, фуқаролар томонидан 33 та мурожаат ишга кириш, ишга қайта тиклаш, мутахассислиги бўйича ишлаш ҳусусида, 26 та мурожаат ижтимоий тўловлар, иш ҳақи, моддий ёрдам, компенсациялар,

7 та мурожаат эса раҳбарият қабулига кириш, шикоятлар каби масалаларда йўлланган.

Ушбу тахлиллар асосида Уюшма ҳамда унинг таркибидagi тизим ташкилотлари билан биргаликда мурожаатларни тизимли ўрганиш, уларни қонуний ҳал этиш бўйича доимий чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Шунингдек, жорий йил 1-чорагида “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмасига 27 та жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари келиб тушган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонаси (rpm.gov.uz) орқали 11 та ҳамда бевосита уюшмага 16 та, шундан 3 та ёзма, 13 та электрон шаклдаги мурожаатлар келиб тушган. Мурожаатлардан 4 таси қаноатлантирилиб, 2 тасига тушунтириш берилган ҳамда қолган 10 таси тегиш-

лилиги бўйича бошқа ташкилотларга ижрога юборилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонаси (rpm.gov.uz) орқали келиб тушган мурожаатлардан 6 таси тегишлилиги бўйича бошқа ташкилотларга юборилган бўлиб, 2 тасига тушунтириш берилган ҳамда 2 таси қаноатлантирилиб, 1 та мурожаат ўрганиш жараёнида.

Маълумот учун, айна пайтда мамлакатимизда 10 мингга яқин қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхона фаолият кўрсатмоқда. “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси таркибида эса 158 та корхона мавжуд. Жорий йилнинг биринчи чорагида уюшма таркибидagi корхоналар томонидан 2 трлн 40 млрд сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган. Айна пайтда соҳада 140 мингдан ортиқ ходим фаолият кўрсатиб келмоқда.

108 та маданий мерос объектида 146 та ноқонуний қурилма аниқланди

Моддий-маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатига кўра, мамлакатимизда ҳозирги кунга қадар 8 минг 210 та моддий-маданий мероснинг кўчмас мулк объекти давлат муҳофазасига олинган. Шундан 4 минг 788 таси археология, 2 минг 265 таси архитектура объектлари, 625 таси монументал санъат асарлари, 530 таси диққатга сазовор жойлардир.

Бу ҳақда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Маданий мерос агентлиги ахборот хизмати раҳбари Моҳинур Имомова иштирокида ўтказилган брифингда батафсил маълумот берилди.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг Маданий меросини ҳимоя қилиш инспекцияси, Маданий мерос агентлиги билан ҳамкорликда Бош прокуратура ва унинг идоралари томонидан

маданий мерос объектлари муҳофазасига қаратилган қонун ҳужжатлари ижроси устидан тизимли назорат тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Жумладан, маданий мероснинг кўчмас мулк объектларида ноқонуний қурилмаларни бартараф этиш, қонунийлик талабларига зид равишда ер майдонидан фойдаланиш ва реклама эълонларини ўрнатишининг олдини олиш чоралари қуриляпти.

Туризм ва маданий мерос вазирлиги ҳузуридаги Маданий мерос агентлиги Прокуратура идоралари билан биргаликда ўтказилган текширишда республика бўйича 108 та маданий мерос объектида 146 та ноқонуний қурилма қурилгани аниқланган. Таъкидланишича, ушбу тадбирлар натижаси бўйича маданий мерос объектлари ҳудудида қурилган 7 та ноқонуний қурилмалар, жумладан, Сурхондарёда “Зартепа” (I-V асрлар), “Карвонтуши” (I-VI), “Исмоилтепа” (I-VIII) ва “Мангузартепа”

(I-IV), Қашқадарёда “Тўрткўлтeпa” (I-VI) археология объекти, Хоразмда “Қибла тозабоғ” (XIX) архитектура ёдгорлиги ҳудудидаги ноқонуний қурилмалар буздирилган.

Бундан ташқари, Маданий мерос агентлиги нафақат маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузган, балки агентлик кўрсатмаларини бажармаган шахсларга нисбатан ҳам мустақил равишда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш ҳуқуқига эга бўлди. Янги қонунда давлат муҳофазасига олинган моддий-маданий мерос объектларини йўқ қилиш ёки шикаст етказганлик учун жиноий жазо ҳам кучайтирилди.

Шунингдек, маданий мерос объектларида ташқи реклама жойлаштириш “Реклама тўғрисида”ги қонунга асосан қатъий таъқиқланиб, ушбу объектлар ва уларнинг ёндош ҳудудлари рекламадан холи ҳудуд этиб белгиланган. Бирок, жойларда мазкур қонун тала-

бини қўпол равишда бузиш ҳолатлари ижрога юборилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти виртуал қабулхонаси (rpm.gov.uz) орқали келиб тушган мурожаатлардан 5 та қадимий шаҳарда жойлашган 1000 дан ортиқ маданий мерос объектида реклама ва ахборот кўрсаткичлари ўрнатилиши қонунийлиги ўрганилди. Ўрганишлар давомида 53 та объектда ноқонуний ўрнатилган 99 та реклама баннерлари олиб ташланиши таъминланиб, маданий мерос объектлари куриниши асл ҳолатига қайтарилди. Шунингдек, 19 та объектда ноқонуний ўрнатилган 22 та реклама баннерини олиб ташлаш юзасидан мутасадди шахсларга ёзма кўрсатмалар берилди.

Аслида ҳам, асрлар оша аждодларимиздан мерос бўлиб, юртимизни дунёга танитишга хизмат қилиб келаятган маданий мерос объектларини асраш, авайлаш, келгуси авлодларга асл ҳолида етказиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Ўз мухбирими.

Шаҳар қиёфаси тубдан ўзгармоқда

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Бугунги кунда истеъмолимизда “Наманган тажрибаси” деган жумла кенг қўлланилмоқда. Бу бежизга эмас. Зеро, Наманган шаҳрида сўнгги беш йил оралигида ижтимоий инфратузилмаларни барқарор ривожлантириш ва замонавий уй-жойларни қуриш бўйича республикаимизнинг бошқа ҳудудларига қараганда катта тажриба тўпланган, дейиш мумкин. Чунки шу даврда амалга оширилган бунёдкорликлар вилоят тарихида бўлмаганди.

Президентимизнинг вилоятга ташрифи чоғида Наманган шаҳрида 2021-2022 йилларда умумий қиймати 2,2 триллион сўмлик 209 та инвестиция лойиҳасини амалга оширилиши белгилаб берилгани ва улар ҳисобига саноат, қишлоқ ҳўжалиги, хизмат кўрсатиш йўналишларида 11 минг 590 та янги иш ўрни яратилиши зарурлиги дастуриламал бўлди. Турли йўналишларда олиб борилган ҳаракатлар туфайли ўтган даврда қиймати 1,1 триллион сўмга тенг 156 та лойиҳа бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди.

Ана шу лойиҳалар орасида энг асосийси, замонавий турар жойларнинг бунёд этилганидир. Тахлиллар жараёнида сўнгги беш йил оралигида шаҳар аҳолиси 152 минг нафарга кўпайганини эътиборга олсак, бу ерда 300 дан ортиқ кўп қаватли уйлар қурилиб, қарийб 65 минг нафар фуқаро янги хонадонга эга бўлди. “Янги Наманган” шаҳарчаси лойиҳасига кўра, 330 гектар майдонда 8 минг 500 хонадонли 184 та уй-жой барпо этилди. Шу жараён оралиғида 145 гектар майдонда кичик саноат зоналари ҳам қурилиб, 10 мингта янги иш ўрни яратилди.

Буларнинг барчаси босқич-ма-босқич бунёд этилаётгани шарофати билан шаҳарда йиллар давомида ййгилиб қолган муаммоларни бартараф этиш имкони туғилмоқда. Шу боисдан Наманган шаҳрининг ўсиш нуқталари, яъни “драйвер”и ҳисобланган кичик саноат зоналарини ривож-

лантириш ва уларни янада кўпайтиришга алоҳида аҳамият қаратилиши натижасида ҳозирда уларнинг сони 11 тага етди.

Бугун мамлакатимизда “Наманган тажрибаси” сифатида кенг омалаштирилаётган кичик саноат зоналаридаги мавжуд 186,3 гектарда умумий қиймати 2,3 триллион сўм бўлган 328 та лойиҳани амалга ошириш ҳисобига 26 минг 119 та иш ўрни яратилиши режалаштирилган. Шу кунларда мақсадга эришиш учун барча ишлар жадаллаштирилган. Кичик саноат зоналарида иш бошлаган корхоналар эса айна пайтда замон талабидagi маҳсулотларни ишлаб чиқариб, иқтисодиётни юксалтиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Айтайлик, мазкур корхоналарда фаолият олиб бораётганларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли 512 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, 2,6 миллион долларлик маҳсулотлар экспорт қилинди.

Тадбиркор ва ташаббускорликда катта тажрибага эга Наманган шаҳри аҳолисининг 2022 йилда қилиниши мўлжалланган режалари янада устувор. Бунда энг аввало, “маҳаллабай” ишлаш орқали фуқароларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларни даромадли меҳнатга банд қилиш билан турмуш шароитини яхшилаш, “дафтарлар” рўйхатида турган муҳтож кишиларга манзилли ёрдам кўрсатиш ҳамда камбағалликни қисқартириш кабилардан иборат.

Хусусан, режага кўра, оилавий тадбиркорлик дастури доирасида 130 миллиард сўм миқдоридаги имтиёзли банк кредитлари эвазига 5,5 минг нафар аҳоли бандлиги таъминланади. “Бандликка кўмаклашиш” жамгармаси маблағлари ҳисобидан эса 628 нафар фуқарога 2,7 миллиард сўм субсидия ажратилиб, ёшлар ва аёлларни касб-хунар ҳамда тадбиркорликка ўқитиш учун 1,3 миллиард сўм маблағ йўналтирилади. Ана шу истиқболли режалар бўйича ҳам дастлабки босқич ишлари шакллантирилган бўлиб, кун сайин янги иш ўринлари яратилипти ва ўқув марказларида ёшларнинг эҳтиёжига қараб хунарлар ўргатишмоқда.

Бухоро вилояти

Зардўзлик ва ҳунармандчилик маркази очилди



Бухорода ўтказилган “Халқаро зардўзлик ва заргарлик” ҳамда “Миллий каштадўзлик санъати” фестиваллари доирасида “Малика Султон” зардўзлик ва ҳунармандчилик маркази очилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Бахтиёр Сайфуллаев, Бутунжаҳон ҳунармандлар кенгаши президенти Саад ал Каддумий, Бухоро вилояти ҳокими Ботир Зарипов, “Хунарманд” уюшмаси раиси Улғубек Абдуллаев иштирок этишди.



Таъкидланишича, Президентимиз ташаббуси билан Бухорода илк мартаба ўтказилаётган мазкур фестивалнинг муҳим лойиҳаларидан бири ҳисобланади. Бутун дунёда зардўзлик санъати ватани дея эътироф этилган Бухорода шу вақтга қадар ушбу ҳунар турига бағишланган алоҳида марказ йўқ эди. Ҳолбуки, вилоятда зардўзлик санъати эраимиздан аввалги даврларданок ривожланган. Зардўзлик маҳсулотлари аҳоли турмуш тарзининг ажралмас бўлаги ҳисобланган.

Бухоро усталарининг зардўзлик касби отадан болага мерос бўлиб келган. Шу тариқа бу касб авлоддан авлодга ўтиб келган ва ривожланган. Болалар 10-12 ёшидан зардўз касбига ўргатилган. Тарихнинг маълум даврида инқирозга юз тутган ушбу ҳунар мустакиллик йилларида яна ривожланди.

Айни пайтда вилоятда 120 нафардан ортиқ зардўз усталар фаолият юритаётган бўлиб, уларнинг санъат асарлари жаҳоннинг кўпгина нуфузли ярмаркаларида эътироф этилмоқда. Президентимизнинг 2017 йил 17 ноябрдаги “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига асосан ташкил этилган мазкур марказ эса зардўзлик санъатини янада ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбиркор ва уста зардўз Маҳфуза Салимова томонидан ташкил этилган мазкур марказ зардўзлик устaxonаси, ушбу маҳсулотларнинг тарихий ва замонавий сара намуналари музей-галереясидан иборат. Бу ерга таширф бюурувчиларга қадим санъат тури та-

рихи, бугуни, ривожланиш босқичлари ҳақида батафсил маълумот берилади. Мазкур даргоҳда 60 нафар уста зардўз, 40 нафарга яқин шоғирдлар ҳам доимий асосда иш билан таъминланган. Бу марказнинг хотин-қизлар бандлигини таъминлашдаги аҳамияти нақадар муҳим эканлигидан далолат беради.

Вилоят зардўзлик санъати ривожида етакчиликни қўлга олган марказ келгусида ушбу қадимий ҳунармандчилик тарихини тадқиқ этиш, унутилиб бораётган турлари, тикиш ушугбларини қайта тиклаш ҳамда илмий асосда ўрганишда ҳам ташаббус кўрсатади.

Тадбиркор ва уста зардўз Маҳфуза Салимова ёшлигиданок зардўзлик касбини мукаммал эғаллаб, деярли қирқ йилдан буён шу улўв касби-корни севиб, ардоқлаб, соҳани давом эттириб келаётган усталардан бири. Унинг етиштирган кўплаб шоғирдлари бугунги кунда Бухоро зардўзлиги оламида ўз йўли, ўз мактабига эга. Бухоро шаҳридаги “Шайхул олам” маҳалла фуқаролар йиғини Б.Нақшбанд кўчасида жойлашган марказнинг лойиҳа қиймати 5 миллиард сўм бўлиб, шундан 1,2 миллиард сўми АТ “Халқ банки” кредит маблағи ҳисобланади. Айни кунда маҳаллада истиқомат қиладиган 15 нафар кам таъминланган оилаларнинг хотин-қизлари зардўзлик сирларини ўрганмоқда. Кейинчалик шу хотин-қизлар марказда фаолиятини олиб боради. Шунингдек, бандлиги таъминланади. 20 нафар аёллари ишга қабул қилиш ҳам режалаштирилган, дея ҳикоя қилади ЎЗА мухбири Зариф Комилов.

Марказ томонидан Америка, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатларига зардўзлик маҳсулотлари экспорт қилинмоқда. Кўргазма ва ярмаркаларда 2021 йилда яратилган зардўзлик маҳсулотларини намойиш этиш ва сотиш орқали 150 минг АҚШ доллари миқдорида даромад кўрилган. Ушбу марказда зардўзлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, уларнинг намойиши йўлга қўйилган бўлиб, зардўзликнинг қадимий нусхалари қайта тикланмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси

Уйчининг муҳташам ҚОРА УЙИ

Ислом ИБОДУЛЛА,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Қора уй – ҳаммага ҳам таниш бўлмаган атама. Азалдан қорақалпоқларда қора уй сўзи қора кигиз билан бостирилган ўтовларга нисбатан ишлатилади. Қорақалпоқ қора уйи қурилишига кўра, бошқаларникидан фарқланиб туради.

Ўтов қозоқ, ўзбек, қалмоқ, туба, қирғиз, башқурт, мўғулларда ҳам бирдек қўрилиб, ер ва осмоннинг рамзий образини ифодалайди. Юмалоқ шакли ер бўлса, унинг белидаги белбоғи эса экватор чизигига менгзалган. Тепасидаги ёпинчиги тўртга бўлинган. Бу дунёнинг тўрт томони деганидир. Халқ орасида қора уй қурувчи усталар “уйчи” деб

аталиб, бу касб отадан болага ўтиши натижасида “уйчилар авлоди” шаклланган. Шунингдек, Қорақалпоғистоннинг кўпгина туманларида факат қора уй тиклаш билан шуғулланадиган усталар яшаган. Уларнинг овули “уйчилар овули” дея эътироф топган. Қадимда қора уйлар чидамли ва мустаҳкам усимлик новдаларидан тикланган. Қизиги, бундай овуллар ҳозирга қадар сақланиб қолган. Бинобарин, бу миллий анъана шаҳар муҳитида ҳам давом этяпти. Бу йил ҳам кунларнинг исиши-ю, ёгингарчиликнинг чекиниши ортидан Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Нукус филиалида ўтовлар тикланди.

– Маҳаллий “қора уй”имизни кўрганлар унга қизиқиши табиий, – деди ўқитувчи Маржан Худайбергенова. – Ёшларга ва хорижлик меҳмонларга маз-

Сирдарё вилояти

Сирдарёликлар ташаббусидан қонлиқўлликлар миннатдор

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

2021 йилнинг октябрь ойида давлатимиз раҳбари бошчилигида ўтган тадбирлардан бирида Оролбўйи минтақасидаги ахвол масаласи кўтарилиб, бу ерлардаги вазиятни тубдан ўнглаш учун Қорақалпоғистон Республикасидаги туманлар аҳолисининг турмуш фаровонлигини янада юксалтириш мақсадида вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри ана шу ҳудудларга йўналтирилиб, бажариладиган ишлар бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган эди.

Сирдарёлик тадбиркор ва ишбилармонлар шу кунларда ўзларига бирки-тилган Қонлиқўл туманида ҳам аҳоли фаровонлигини таъминлаш ҳамда иш ўринлари яратиб, худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан маҳаллий мутахассислар билан бирга замонавий лойиҳаларни амалда татбиқ этишмоқда. Жумладан, ўтган саккиз ой оралиғида 300 нафардан зиёд турли соҳа мутахассислари мана шу жойга келиб тумандаги мавжуд овуллар ва хонадонлардаги муаммоларни таҳлил қилиб, қилиниши лозим бўлган ишларга киришишган. Биринчи галда барча маҳаллаларда янги қувурлар тортилиб, аҳолининг ичимлик сув таъминотига бўлган эҳтиёжи қондирилди. Йиллар давомида эътиборсизлик туфайли ўнқир-чўнқир бўлиб ётган кўчалар ва йўлларга қум-шағал аралашмаси тўшалиб, аксариятига асфальт ётқизилди.

Жиззах вилояти

Инвестиция лойиҳалари татбиқ этиляпти

Фозилжон ҚОСИМОВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Фориш туманида 2022 йилда 4 та инвестиция лойиҳаси доирасида 203 миллион долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилиши белгиланган.

Жумладан, тумандаги Эгизбўлоқ маҳалласида “Goldfiber Pro” МЧЖ томонидан базальт тола (директровинг) ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш лойиҳасида 30,5 миллион АҚШ доллари ўзлаштирилди. Айни кунда бу лойиҳа

Маҳаллалар аҳолисининг истакларига эътибор қаратилиб, уларнинг хоҳишига кўра, сирдарёлик ташаббускорлар саноат ва қишлоқ хўжалиги йўналишида қиймати 570,5 миллиард сўмлик дастлабки 14 та лойиҳани шакллантиришгани айниқса, кам таъминланган ва дафтарлар рўйхатига турганларнинг бандлигини шакллантиришда асқатяпти. Ана шундай лойиҳалардан бири – текстиль маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи “Сирдарё чеварлари” тикувчилик фабрикасидир. Ушбу корхона лойиҳасининг қиймати 1,5 миллиард сўм бўлиб, тикув ҳамда бичув машиналари, даэзмоллар, мебеллар каби зарурий анжомлар билан жиҳозланди. Мазкур фабрикада бугунги кунда 120 нафар хотин-қизлар учун доимий иш ўринлари яратилди ва уларнинг қисқа курсларда ўқиб, ҳунар ўрганишлари таъминланди.

Ғулистонда тадбиркорликнинг ҳадисини олган ташаббускорлар бу ерда ҳам соҳада орттирган тажрибаларини қўллашаётгани худуд аҳолисини қувонтирмоқда. Масалан, “BEST SAN Oil” МЧЖ жамоаси томонидан 3 минг гектар майдонда кунгабоқар етиштириш ва қайта ишлаш орқали бир кеча кундузда 1000 тонна писта ёғини тайёрлаш қувватига эга бўлган саноат кластери ташкил қилиниб, ҳозирда сўнгги босқичдаги қурилиш ишлари бажариляпти. Яқин кунларда у тўла қувват билан ишга тушса, 200 нафардан ортиқ киши доимий ишли бўлади.

Туман ўрамини ижтимоий инфра-тузилмани янада яхшилаш юзасидан ҳам шу кунга қадар 345 километр ички зовурлар тозаланиб, 5 минг гектар ташландиқ ҳолга келиб қолган ер майдони оби-тобига келтирилди ва Сирдарё – Қонлиқўл дўстлик боғи ташкил

етилди. Айни пайтда ҳар қарич ердан самарали фойдаланиш тамойилига амал қилиниб, янги боғдаги кўчатлар ораларига қовун уруғлари экилди. Бу эса ана шу соҳада “Сирдарё тажрибаси”нинг Оролбўйи минтақасида кенг оммалашувига хизмат қилиши турган гап.

Эътироф этиш керакки, овул ва маҳаллалар аҳолисининг ижтимоий муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилаётгани шарофати билан бу ерда умргузаронлик қилаётганлар ўртасида ишчанлик муҳити янада кенг юзага келишига туртки бўлмоқда. Шу мақсадга қаратилган лойиҳалар бўйича кам таъминланган, боқувчисини йўқотган,“Темир дафтар” ва “Аёллар дафтари” рўйхатида турувчи оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қиймати 45 миллион сўм бўлган товуклар тарқатилди. 100 та оиланинг ҳар бирига 1 сотиҳга мўлжалланган иссиқхоналар қурилди.

Сирдарёликлар кейинги йиллардаги ислохотлар туфайли, саноат ишлаб чиқаришлари ва шаҳарсозлик соҳаларида ҳам ўзига хос тажрибага эга бўлишмоқда. Айни мана шу тажрибадан Қонлиқўл туманини ижтимоий ривожлантиришда асқатяпти. Мутахассислар маҳаллалардаги турли объектлар ҳолатини ўрганиб, зарур чораларни кўришмоқда. Масалан, “Қонлиқўл” маҳалла фуқаролар йиғинидаги 2 та умумтаълим мактаби, 1 та 180 ўринли мактабгача таълим ташкилоти, 1 та оилавий поликлиника, 8 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари ҳамда 1 та қолипли нон ишлаб чиқариш корхонасини замонавийлаштириш, қўшимча хоналар қуриб, керакли жиҳозлар билан таъминлаш бўйича

Фарғона вилояти

Болажонлар қувончи

Зайлобиддин ЙГИТАЛИЕВ,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Сўх туманининг “Соҳибкор” МФЙдаги 1-сектор биносининг бўш турган хоналари қайта таъмирланиб, давлат мактабгача таълим ташкилоти ихтиёрига топширилди.

Шу муносабат билан ташкил қилинган тадбирда сўзга чиққанлар давлатимиз томонидан соҳага берилаётган эътиборни таъкидлаб ўтишди.

Айни кунда мазкур муассасада 120 нафар болажон тарбия олади. Бундан ташқари, 30 ўринли қисқа мuddатли гуруҳлар ҳам фаолият юритади. Муассасанинг ишга туширилиши асносида 26 нафар хотин-қизларнинг бандлиги таъминланди.

Экспорт миқдори янада оширилади

Ўзбекистонлик тадбиркор Хуссаин Барнохон Эсонали қизи ҳамда покистонлик Хуссаин Халид Абдул Халиқлар таъсисчилигида ташкил этилган “Xussain Barno Fr” МЧЖ қўшма корхонаси Фурқат туманида 2021 йилда давлат рўйхатидан ўтказилган.

Ҳозирга қадар корхонада пахта чиқандисини қайта ишлаш фаолияти баробарида Покистон давлатига экспорт қилиш ҳам йўлга қўйилган. Ўтган 2021 йил мобайнида қўшма корхона томонидан 155 минг АҚШ долларилик маҳсулот экспорти амалга оширилган

бўлса, жорий йилнинг январ-апрель ойларида бу рақам 160 минг АҚШ доларига етказилди.

Корхона саноат ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш ва экспорт миқдорини 1 млн АҚШ долларига етказишни режалаштирган.

Россиялик ишбилармонлар Қўқонда

Яқинда Қўқон шаҳрига Россия Федерациясининг Бошқирдистон Республикасидан келган расмийлар ва ишбилармонлар вакиллари шаҳар ҳокимлиги масъуллари ҳамроҳлигида Қўқоннинг Марказий дехқон бозорида талаб юқори бўлаётган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таништирилди.

Меҳмонлар Россиядан келтирилаётган маҳсулотларнинг нарх-наволари, уларни олиб келиб сотиш имкониятларини ўрганди. Шу билан бирга қўритилган мева ва зирavorларни Қўқондан Россияга экспорт қилиш бўйича ҳам фикрлар алмашилди.


Германия билан ҳамкорлик йўлга қўйилади

Германиянинг қарийб 100 йиллик тарихга эга “Teamdress Holding GmbH” компанияси Европада иқтисодийётнинг турли соҳалари ходимлари учун иш кийимлари етказиб берувчи йирик тузилмалардан бири ҳисобланиб, унинг бош қароргоҳи Гамбург шаҳрида жойлашган.

Компания директори Коринна Хорндал ҳамда “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси раисининг германиялик халқаро маслаҳатчиси Мартин Шорш яқинда Фарғонада бўлганларида тикув-трикотаж соҳаси салоҳиятидан фойдаланган ҳолда Европа бозори учун Фарғонада маҳсулот ишлаб чиқа-

ришни йўлга қўйиш истиқболларини вилоят ҳокими билан муҳокама қилди. Меҳмонлар Фарғонанинг текстиль соҳасидаги имкониятларини юқори баҳолаб, “Teamdress Holding GmbH” компания Фарғонада ўз бююртмаларини жойлаштиришни режалаштираётганини қайд этди.

УЙ ТАННАРХИНИ ҚАНДАЙ ТУШИРИШ МУМКИН?



Ислом ИБОДУЛЛА,
“O'zbekiston bunyodkori”
мухбири.

Ўзбекистон шароитида қурилиш тадрижининг юқори бўлишига қарамасдан ҳаммани ўйлантириб келаётган савол бор: “Уй-жой нархлари нега қиммат?”. Сўнгги йилларда турар жой таннархини сўнгий равишда туширишга уринишлар бўлаяпти. Жумладан, эндиликда янги қурилган турар жойлар таннархларининг арзонлаштирилишига эришиш мумкин.

Уй-жой ҳар бир кишининг бирламчи эҳтиёжидир. Бугун дунёда кузатилаётган иқтисодий инкироз, нарх-наво ўзгарувчанлиги ортида инсонларнинг ушбу бирламчи эҳтиёжига нисбатан харид қобилиятини мураккаблаштир-

моқда. Жумладан, мамлакатимизда ҳам турар жой реконструкциялари давом этаётганига қарамасдан уй-жой таннархи ортишда давом этмоқда. Бундай ўсишнинг олдини олиш мақсадида давлат ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам учун арзонлаштирилган уйлар қуради, ипотека кредитларининг чиқарилишини рағбатлантиради. Шунингдек, бўш майдонлар бўлган тақдирда давлат турар жой қуриш мажбурияти билан бундай ҳудудларни тадбиркорлик субъектларига топширади. Айтиш жоизки, яқин йиллардан бери Ўзбекистонда қўллаб ҳаракатлар реализация этиб келинмоқда.

Хусусан, ҳозирги кунда биржа савдоларида арзонлаштирилган қурилиш материаллари учун алоҳида секция ташкил этилган. Бу ерда сотилаётган металл, цемент каби асосий қурилиш материаллари бозордаги таннархларнинг мувозанатини сақлашга туртки

бўлмоқда. Бу омил қурилишда таннархнинг тушишига сабаб бўлади. Шунингдек, уй-жой нархининг қиймати энергиятежамкор қурилиш материалларидан фойдаланиш, маҳаллийлаштириш ҳисобига ҳам боғлиқ бўлади. Бугунги кунда қурилиш кластерлари устида ишлар олиб борилмоқда. Қурилиш кластерлари ишга тушгач, қурувчи компаниялар бевосита қурилиш материалларини ўз тармоқларида ишлаб чиқаради. Бунинг натижасида уй нархларининг табиий равишда туширилишига эришилиши мумкин. Бу борада қурилиш соҳаси ходимларининг лойиҳалари асосида мутлақо янги тизимга ўтилмоқда.

Қурилишга тикилган ҳар бир сўм ўша қурилишнинг таннархига таъсир кўрсатади, – деди Қурилиш вазирлиги бошқарма бошлиғи Баҳодир Содиқов. – Ҳозирги кунда мамлакатимизда қурилаётган янги турар жой биноларининг цокол – ярим ертўла

қисмларидан фойдаланишнинг янги тартиблари жорий этилмоқда. Жумладан, эндиликда кўп қаватли турар жой биноларининг ярим ертўла қисмларидан яшаш майдонлари сифатида фойдаланиш амалиёти жорий этилади. Бу амалиёт ярим ертўла қисмида яшаш майдони ташкил этиш ортида турар жойда мавжуд хонадонларнинг нарх-навосининг туширилишига эришишидир. Ҳозирги кунда туннел-апаловка усулида қурилаётган турар жойларнинг ертўласи уч метргача бўлади. Демак, бу ерларни бемалол яшаш майдони сифатида қўриш мумкин.

Халқнинг фаровонлиги бевосита харид қобилияти билан ўлчанади. Ҳаётий зарур уй-жой ҳар бир инсон учун қадрият қўринишига айланган. Қурилиш-реконструкция соҳасида аҳолининг ҳаёт даражасини оширишга қаратилган бундай тадбирлар олдимизда турган муаммоларга ҳам муносиб ечим бўла олади.

Хирмонга тўкилса дон, дастурхонга тўлади нон

Даврон НОРМАТОВ,
Тошкент вилояти ФВБ ЁН ва ПТЭБ бошлиғи.

Жорий йилдаги табиий инжиқликлар, айниқса, баҳорнинг серёғин келгани қишлоқ ҳўжалиги тармоқларига жиддий таъсир кўрсатди. Бироқ деҳқонларимиз соҳада орттирган тажрибаларини қўллаб, экин парварishiни кечиктирмагани натижасида республикамиз далаларида ҳосил пишиб етилиш ва уни нест-нобудсиз ўриб олиб, хирмонларга етказишга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.

Пойтахт вилоятининг 14 та тумани далаларида ҳам бу йил 2 465 та фермер ҳўжаликлари ҳамда 12 та ғаллачилик кластерлари томонидан 103,845 гектар майдонда бошоқли дон экинлари етиштирилди ва 270,217 тонна сара дон давлатга сотилиши режалаштирилган. Шунингдек, риққ-насибамиз бўлган ҳосилни ўз муддатига йиғиб олиш учун 293 та отряд шакллантирилиб, 1 210 та юк автомобиллари, 110 та трактор тиркамалари, 47 та кўчма устационалар ҳамда 61 та ёқилғи ташиш автотранспорт воситалари жалб этилди.

Мавсум беталафот ўтишини таъминлашда вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси ҳамда унинг таркибида бўлган туманлардаги ҳодимлар зиммасига катта масъулият юклаган. Шу кунларда улар барча жараёнларни қайтадан кўриб, аниқланган камчиликларни ўз ўрнида бартараф этишяпти. Ўрим-йиғим мавсумига жалб қилинган барча отрядлар сув сигимлари (водоёзов ёки бошқалар), омончи тракторлар билан таъминланиши юзасидан кластер раҳбарлари, фермер ҳўжаликлари, МТП ва ММТП раҳбарлари билан ҳамкорликда ишни ташкил қилишган.

Ўрим даврида ғалла майдонларида ёнғинлар келиб чиқмаслик чоралари ҳам қўриляпти. Жумладан, далаларда 8 метрдан кам бўлмаган кенгликда йўлақлар очиш ва атрофини 4 метр кенгликда шудгорлаш ишлари ниҳоясига етказилди, ғалладан бўшаган майдонларда эса сомон қолдиқларини ёқиб юбормаслик юзасидан фермерлар ҳамда кластер раҳбарларига тушултиришлар берилди ва маҳаллаларда бу борада тарғибот ишлари олиб борилляпти. Шулар билан бирга, ҳудудий бўлимлар томонидан 2 та донни қайта ишлаш ва 11 та донни қабул қилиш шохобчалари ёнғин-профилактик кўригидан ўтказилиб, аниқланган камчиликларни қисқа муддатда бартараф этиш чоралари қўрилди. Ушбу корхона ҳамда шохобчалардаги ёнғин ўчириш автомобибли, 20 та сув олгичлар, 14 та ёнғинга қарши сув ховуэлари, 5 та ёнғин ўчириш мотопомпалар ҳамда 12 та ёнғин ўчириш сув насосларининг техник созлиғи ҳам талаб даражасига келтирилди.

Мавсум давомида магистрал йўл атрофида жойлашган ғалла майдонларининг четига огоҳлантирувчи паннолар ўрнатилди. “Оҳангарондон” АЖга қарашли Бекобод шаҳри, Бекобод, Пискент ва Ўртаҷириқ туманларидаги жами 9 та дон қабул қилиш шохобчаларида содир этилиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 4 та ёнғин-қутқарув қисмларининг жанговор заҳира ёнғин ўчириш экипажларидан иборат гуруҳ навбатчилик олиб боряпти.

Бир сўз билан айтганда, хирмонларимиз қанча кўп донга тўлса, тўкин-сочинлик мўл бўлади, дастурхонларимиз нонга тўлади, иқтисодиётимиз янада мустаҳкамланади.

ҚУРИЛИШ КЛАСТЕРЛАРИ ҲУДУДЛАРДА УЙ–ЖОЙ МУАММОСИНИ ҲАЛ ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ВОСИТАСИДИР

Исламбек ДАВЛЕТОВ,
ТАҚИ “Қурилишда менежмент” кафедраси мудири,
иқтисодиёт фанлари номзоди, профессор.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ва иқтисодий шароит ҳудудлар даражасидаги муаммоларга бўлган муносабатларни сезиларли равишда ўзгартиришга олиб келди. Ҳудудлар мураккаб ижтимоий-иқтисодий мажмуа бўлиб, унда ижтимоий-иқтисодий соҳалар, шунингдек, ҳудудий давлат ҳокимияти органлари, тузилмалар, ҳўжалик ва жамоат ташкилотлари ўртасида ўзаро келишувчилик ва боғлиқлик ўрнатилган. Улар ҳудудлардаги табиий, ишлаб чиқариш ресурслари, меҳнат ва илмий салоҳиятдан тўлиқ самарали фойдаланиш ҳамда аҳолининг турли эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади.



Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ижтимоий соҳа инсон ривожланишига қаратилган фаолият бўлиб, унга ҳаёт фаолияти субъектлари ўртасида таркиб топадиган ижтимоий институтлар, алоқалар ва муносабатларни кириштириш мумкин. Ижтимоий соҳадаги муҳим муаммоларни олдиндан ҳал қилмасдан туриб, иқтисодий ривожланишнинг ҳам қарор топиши мумкин эмас. Айнан ижтимоий соҳа фаолияти ижтимоий кескинликни пайсаятириш, уни юмшатиш ва ижтимоий зиддиятларни бартараф этишда намоён бўлади.

Ҳудудларда бугунги куннинг энг муҳим ижтимоий муаммоси бу – уй-жой масаласи бўлиб, уни таркибий ўзгартиришларсиз, давлат, ҳўжалик субъектлари ва жамоат ташкилотларининг келишилган ҳаракатларисиз ҳал этиб бўлмайди. Аҳолининг ижтимоий аҳамиятга эга қатламларини уй-жой билан таъминлаш муаммосини ҳал қилиш учун асосий воситалардан бири сифатида ҳудудларда уй-жой қурилиш кластерларини яратиш ҳамда ижтимоий-иқтисодий макон ва янги авлод санаятини ривожлантириш бўйича инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш зарур.

Кластер (инглизча cluster – тўпланиш, чўтка, тўда) – маълум хусусиятларга эга, мустақил бирлик сифатида қаралиши мумкин бўлган бир нечта бир хилдаги элементлар биригмасидир. Умумий маънода айтганда, бу қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун маълум хусусиятларга эга бўлган элементлар тўплани ҳисобланади.

Уй-жой қурилиш кластерининг бошқа турдаги бирлашмалардан фарқи шундаки, у пировард қурилиш маҳсулотли, яъни, турар жой биноларини барпо этиш жараёнининг барча иштирокчиларини, хомашё етказиб берувчилардан тортиб то якуний маҳсулот истеъмолчиларигача, жумладан хизмат кўрсатиш соҳаси ва ихтисослаштирилган инфратузилмани ўзига бирлаштиради. Уй-жой қурилиш кластери – ҳудудда географик жиҳатдан маҳаллийлаштирилган қурилиш корхоналарининг йирик бирлашмаси ҳисобланади. Булар моддий, меҳнат, илмий ва инвестиция ресурсларини етказиб берувчилар, шунингдек, аҳолининг шинам (комфорт) ва арзон уй-жойга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида иқтисодий ва эстетик хусусиятларини ўзида муҷассам этган рақобатбардош турар жой биноларини ишлаб чиқариш бўйича инвестиция фаолиятини ривожлантиришнинг умумий стратегиясига эга бўлган бизнес ҳамжамиятлари бўлиши мумкин.

Уй-жой қурилиш кластерларини яратиш босқичида давлат ҳокимияти органлари томонидан кластер ташаббуслари, кластер яратиш жараёнини мувофиқлаштириш, молиявий ва маъмурий ресурслар билан таъминлаш, янги ижтимоий-иқтисодий мотивлар қўриғишидаги барча ёрдамлар қўрсатилиши лозим. Ҳозирги вақтда республикада уй-жой қурилиш кластерлари фаолиятининг асосий мақсади змон талабларига жавоб берадиган ижтимоий муҳитни шакллантиришни жадаллаштиришдан иборат. Бугунги кунда ҳудудлар шароитида ушбу талаблар фуқароларнинг моддий эҳтиёжларини қондириш даражасини комплекс тавсифловчи восита сифатида ҳам турмуш даражаси, ҳам уларнинг ҳаёт сифати ва уй-жой шароитлари яхшиланишига буткул тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-32-сонли фармонида аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш, ҳудудларда замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида кўп қаватли уй-жойлар, ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектлари ҳамда муҳандислик-коммуникация тармоқлари қурилишини жадаллаштириш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва аҳоли пунктларининг урбанизация жараёнларини ривожлантириш билан боғлиқ қатор муҳим вазифалар белгиланди. Унга кўра, 2022 йилда республиканинг 29 та ҳудудида “Янги Ўзбекистон” массивларини барпо этиш дастури тасдиқланди. Шу билан биргаликда, фармонда “Янги Ўзбекистон” массивларида кўп қаватли уй-жойлар, муҳандислик-транспорт коммуникацияси, ижтимоий соҳа, ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини комплекс тарзда қурилиши ҳам белгилаб берилди.

Албатта, бунёд этилаётган “Янги Ўзбекистон” массивларида арзон уй-жойлар ва кўп квартираларни қуриш, “ақли бино, ақли шаҳар” концепциясини кенг жорий этиш, шунингдек, ушбу кон-

цепция орқали энергетик ва моддий ресурсларни истеъмол қилиш даражасини тушириш кўзда тутилган. Қолаверса, қурилишнинг инсонлар саломатлиги ва атроф-муҳитга бўлган салбий таъсири-ни камайтириш, шаҳарларнинг “яшил белбоғлари”ни кенгайтириш ва тоза чўчуқ сув манбаларини муҳофаза қилиш каби устувор вазифалар ҳам кенг ўрин олган. Мазкур вазифаларнинг амалга оширилишида ипотека орқали уй-жойларни сотиб олишни кенгайтириш ва қурилиш материаллари санаятини ривожлантириш ҳамда ҳудудларда уй-жой қурилиш кластерларини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, бундан уч йил олдин ипотека тизимида ҳам тур ислохотлар амалга оширилди. Бунинг натижасида соҳага рақобат ва сифат кириб келди, ҳудудларда замонавий архитектура ва шаҳарсозлик ечимларига эга бўлган янги лойиҳалар пайдо бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 февралдаги “Уй-жойлар қурилишини ва қурилиш материаллари санаятини қўллаб-қувватлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-139-сонли қарориди таъкидлаганидек, ҳудудлар аҳолисини уй-жой билан таъминланишини ошириш мақсадида муайян қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга икти-сослашган 24 та туман ва шаҳар танлаб олинди. Шунингдек, ташкил этилган қурилиш материал-лари ишлаб чиқариш кластерлари барча жараён-лар занжири – хомашё қазиб олиш, уни синовдан ўтказиш ва қайта ишлашдан тортиб, қурилиш ва қоплама материаллари кўринишидаги тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараёнлар билан шуғулланади. Ўзбекистоннинг 8 та туманида қурилиш кластерлари пайдо бўлади.

Шу билан биргаликда, республиканинг турли ҳудудларида жойлашган бир қанча корхоналарнинг санаят кооперацияси асосида ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш кўзда тутилган бўлиб, бундай ишлаб чиқариш мамлакатимизнинг 16 та ҳудудида пайдо бўлади. Ҳар бир ҳудудда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва қурилиш лойиҳаларини лойиҳалашдан тортиб, кўп қаватли турар жой биноларини амалда қуришгача бўлган қиймат занжирини яратувчи уй-жой қурилиш кластерлари ташкил этилиши, ушбу кластерларда хомашёдан тортиб тайёр маҳсулотгача ишлаб чиқариш занжири, лойиҳалаштириш, замонавий техника ва малакали мутахассислари бор қурилиш ташкилоти, сифатни назорат қилиш лабораторияси бўлиши ҳам белгилаб берилди.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш мумкинки, мамлакатимизда уй-жой муаммосини ҳал қилиш давлатимизнинг доимий эътиборида. Бу борада Президент ва ҳукуматнинг тегишли фармон ва қарорлари ҳамда Давлат дастурлари қабул қилиниб, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини уй-жой билан таъминлаш учун давлат бюджети маблағлари ажратилимоқда. Лекин соҳада ҳалигача ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Буларни қуйидагиларда кўриш мумкин:

Қабул қилинган чора-тадбирлардан максимал даражада наф олиш мақсадида республика ҳудудларида уй-жой қурилиш кластерларини талаб даражасида ташкил этиш ва уларни мувофиқлаштириш лозим.

Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлардан оқилона фойдаланиш самарасининг пастлиги. Бунда ушбу мақсадларга ишлатилаётган давлат бюджети маблағлари сарфланиши устидан назорат регламентини янада кучайтириш лозим.

Давлат органлари билан яқин ҳамкорликда ишлаётган жамоат ташкилотлари етарли даражада ҳуқуққа эга эмас. Шунингдек, улар қабул қилинаётган қарорлар ва амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг якуний натижаларига ҳам кам таъсир кўрсатади.

Бизнес ва тадбиркорлик субъектлари ҳамда маъмурият ўртасидаги муносабатлар самарали эмас. Бошқача айтганда, соҳада давлат-хусусий шериклик муносабатларини янада ривожлантириш лозим.

5. Қурилиш соҳаси ҳамон коррупция кучайган бир алоҳида маконга айланиб қолмоқда. Шу сабабдан, соҳада танлов (тендер) савдолари ва аукционларни шаффоф ва адолатли тарзда ўтказиш, инсон омилини мумкин қадар камайтириш, бу борада рақамлаштириш жараёнини жадаллаштириш, қурилишнинг барча босқичларини назорат қилишда “Шаффоф қурилиш” тизимидан унумли фойдаланиш кабилар талаб қилинади.

TA'LIM MUASSASALARIDA

Surxondaryo arxitektura va qurilish texnikumida seminar

Surxondaryo arxitektura va qurilish texnikumida “Biz kelajakni bilimliy yoshlar bilan birga quramiz” mavzusida respublika o'quv-uslubiy seminarini bo'lib o'tdi.

Seminarida texnikum o'quvchilari tomonidan tayyorlangan ijodiy loyihalar ko'rgazmali tarzda namoyish etildi. Shuningdek, ta'lim muassasasida fan o'qituvchilarining o'quv me'yoriy hujjatlari yuritilishi bo'yicha ham taqdimot o'tkazildi.

Unda Qurilish vazirligining Ta'lim muassasalari faoliyatini muvofiqlashtirish bosh-



qarmasi boshlig'i A. Qo'ldashyev rahbarligida vazirlik tarkibidagi barcha texnikum va kollej mas'ullari ishtirok etishdi.

SamDAQIda davra suhbatlari

SamDAQI kichik faollar zalida Qurilish fakulteti 1-, 2-bosqich talabalari ishtirokida “Talaba-yoshlar o'rtasida huquqbuzarlik, gijohvandlik, axloqsizlik kabi muammolarni bartaraf etishning samarali yo'llari” mavzusida davra suhbatlari bo'lib o'tdi.



Tadbir Yoshlar masalalari va ma'naviy-ma'rifiy ishlar bo'yicha prorektor Sherzod Uzoqov boshchiligidagi yoshlar bilan ishlash, ma'naviyat va ma'rifat bo'limi, Qurilish

fakulteti dekani A. Madatov, fakultet tyutorlari hamda Samarqand shahar IIOFMB 3-sonli IIB, XPB profilaktika mutaxassislari bilan birgalikda tashkil etildi.

Davra suhbatida Samarqand shahar IIOFMB 3-sonli IIB, XPB profilaktika katta inspektori mayor I. Aliyev talaba-yoshlarga huquqbuzarlikni oldini olish, o'z haq-huquqlarini bilish, gijohvandlikka qarshi kurashish, institut doirasida odob-axloq qoidalariga qat'iy rioya qilish bo'yicha o'zining tavsiyalarini berdi.

TAQIda ijodiy ishlar ko'rgazmasi



To'shkent arxitektura-qurilish instituti Arxitektura fakulteti Interьер va landshaft dizayn kafedrasi jamoasi tomonidan “Interьер dekarativ bezaklar” mavzusida ijodiy ishlar ko'rgazmasi tashkil etildi.

Ko'rgazmada institutning Arxitektura fakulteti 1-bosqich 5-21Du hamda 6-21Du guruhi talabalari o'zlarining o'quv yili jarayonida tayyorlagan ijodiy ishlari bilan qatnashdilar. Ushbu ko'rgazmani o'tkazishdan maqsad, talabalarda hozirdanoq

o'z ijodiy ishlarini ommaga namoyish etish va ko'rsata olish ko'nikmalarini rivojlantirishdir.

Ko'rgazmada 1-, 2-, 3-o'rinlar bo'yicha g'oliblar aniqlanib, institutning diplom va esdalik sovg'alari bilan taqdirlanishdi.

Тараққиёт стратегияси: СУДГА ОИД ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТИЗИМЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Дилдора БАЗАРОВА,
Тошкент давлат юридик университети профессори.

Сўнгги йилларда суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш борасида самарали ишлар амалга оширилди. Мазкур ислоҳотларни амалга оширишнинг таъминлаш мақсадида давлатимиз томонидан қатор қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди.

Статистик таҳлилларга кўра, шу кунга қадар биргина судлар фаолиятини тартибга солиш бўйича 400 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Айни вақтда, шундан 242 таси амалда бўлиб, улардан 35 таси қонун, 26 таси Президент Фармони ва қолган 181 таси бошқа турдаги қонуности ҳужжатлари ҳисобланади. Қайд этилган таҳлиллар, мамлакатимизда суд тизимини тартибга солувчи миллий қонунчилик базасини тизимлаштирилган ҳолда ягона тизимга келтиришни тақозо этмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган, “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”нинг 15-мақсадида “суд тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш ишларини олиб бориш” устувор вазифалардан бири этиб белгиланган.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланганидек, суд тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш ишларини олиб бориш, ўз навбатида давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти устидан самарали суд назоратини ўрнатиш ҳамда фуқаро ва тадбиркорлик субъектларининг одил судловга эришиш даражасини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Маълумот ўрнида, “қонунчилиكنи тизимлаштириш” тушунчасига аниқлик киритиш мақсадага мувофиқ. Хусусан, назарий-ҳуқуқий манбаларда қонунчилиكنи тизимлаштириш тушунчаси қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш мақсадида амалга ошириладиган фаолият бўлиб, унга ушбу ҳужжатларни белгиланган ва ўзаро ички боғланган тизим ҳолига келтириш деб, тавсиф берилган.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида кўзда тутилган устувор вазифани амалга ошириш мақсадида, суд тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни уларнинг мазмунига тегишли ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш асосида ягона қонунчиликка тизимлаштириш мақсадага мувофиқ.

Маълумот учун, жиноий, маъмурий, фуқаролик ва иқтисодий судларда ишларни кўриб чиқиш билан тартиб-таомилларни ўз ичига олган жами 3 та кодекслар қабул қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси, Иқтисодий процессуал кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси, Жиноят-процессуал кодексининг тегишли моддалари айнан ушбу судларда иш юритувга оид нормалар ҳисобланади.

Суд тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштириш борасида хориж тажрибасини таҳлил қиладиган бўлсак, Европа давлатларидан Франциянинг Суд тизими тўғрисидаги кодекси ва МДҲ мамлакатлари орасида Беларусь Республикасида 2006 йил “Суд тизими ва судьяларнинг мақоми тўғрисида”ги кодекси, Арманистон Республикасида 2007 йил Судга оид кодекс қабул қилинганлигини кўриш мумкин.

Судларда иш юритувга оид тартиб-таомиллардан фарқли ўлароқ, суд тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштиришда асосан умумий қоидалар, судлар фаолияти, судьялар мақоми, судьяларнинг мустақиллиги, уларни тайинлаш ва сайлаш ҳамда бошқа масалаларга оид қабул қилинган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар нормалар ягона тизимга келтирилади.

Қайд этилганлардан келиб чиқиб, шуни хулоса қилиш мумкин-ки, суд тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни уларнинг мазмунига тегишли ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш асосида ягона қонунчиликка тизимлаштириш ўз навбатида соҳани самарали тартибга солишда муҳим аҳамиятга эга.

Электрлаштириш жараёни ишчи гуруҳи назоратида

Райхона ХЎЖАЕВА,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Президентимизнинг 2020 йил 28 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2021–2023 йилларга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида темирйўлчилар томонидан “Бухоро – Урганч – Хива” темир йўл участкасини юқори тезликда ҳаракатланидиган поездлар учун электрлаштириш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда.

2017 йилда қурилиб, Қизилқум саҳосининг қоқ ўртасидан ўтган 465,5 километрлик “Бухоро – Урганч – Хива” темир йўл участкасида 2021 йил март ойида электрлаштириш ишлари бошланган эди. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти раҳбарияти томонидан ушбу ҳудудда олиб борилаётган электрлаштириш жараёни белгиланган лойиҳа асосида амалга оширилиши ўрганиб борилмоқда. Бўнинг учун акциядорлик жамияти раҳбарияти томонидан ишчи гуруҳи тузилиб, унга жамиятнинг бош менежери-бош муҳандиси Зафар Маҳаматов раислигида бошқарма бошлиқлари, корхона раҳбарлари ва етакчи мутахассислар электрлаштирилётган участка йўлларига бориб, электрлаштириш жараёнини ўрганишмоқда. Ўрганишлар натижасида тегишли вазифа ва хулосалар бериб келишяпти.

Яқинда Зафар Маҳаматов бошчилиги-



даги ишчи гуруҳи электрлаштириш ишлари олиб борилаётган “Бухоро – Урганч – Хива” участкасига навбатдаги 5 кунлик хизмат сафарига бориб келишди. Ишчи гуруҳи “Бухоро – Урганч – Хива темир йўл участкасини электрлаштириш” лойиҳаси доирасида “Кийикли – Қорлитоғ – Хизирбобо” перегонида контакт тармоғи таянчини 2 хил усулда қумли ҳудудга ўрнатиш учун тажрибани амалга оширишди. Шунингдек, мутахассислар “Блок пост – Истиклол” перегонида темир йўлнинг эгри участкаларини тузатиш масаласида лойиҳа таклифларини жойига чиққан ҳолда ўрганишди.

Бу галги хизмат сафари таркибидан Капитал қурилиш дирекцияси, Йўл ҳўжалиги ҳамда Электр таъминоти бошқармалари, “Боштранслойиҳа” акциядорлик жамияти, Электрлаштириш ва локомотив паркинги ангилаш лойиҳаларини амалга ошириш гуруҳи, “Кўприкқурилиш” трести унитар корхонаси, “Бухоро” ҳамда “Қўнгирот минтақавий темир йўл узели” унитар корхонаси раҳбар ва мутахассислари жой олишди. Хизмат сафари давомида ишчи гуруҳи аъзолари электрлаштирилётган участкаларнинг мураккаб объектларини бориб кўришди. Вазиятни ўрганиб, амалга

оширилиши зарур бўлган ҳолатларни яна бир бор таҳлил қилишди. Шунингдек, қурилишга оид бошқа масалалар билан ҳам яқиндан танишиб, уларни ҳал қилиш вазифаларини муҳокама қилишди.

Айни пайтда мазкур лойиҳани электрлаштириш икки йўналишда – Бухоро ҳамда Хоразм ҳудудида олиб борилмоқда. Участка йўллари бўйлаб пойдевор ҳамда темир-бетон устунлар ўрнатиляпти. Замоनावий техникадан ёрдамида таянчларга электр контакт симларини ушлаб туриш учун консоллар монтаж қилинмоқда. Шунингдек, станциялардаги пўлат излар бўйлаб ўрнатиб бўлинган пойдевор ва таянчларга панжарали темир конструкцияларни монтаж қилиш ишлари ҳам амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, электрлаштирилаётган “Бухоро – Урганч – Хива” участкасида 8 та электр туташтирувчи тармоғининг навбатчилик биноси, 18 та қўриқланидиган темир йўл кесишмаси, 27 та авто йўл ўтказгич ҳамда 1 та локомотив жамоаси учун дам олиш уйи қуриш режалаштирилган. Шунингдек, 2 та вагонга техник хизмат кўрсатиш пункти ва қисмларга ажратилиш ҳамда жорий таъмирлаш санаот корхонасини реконструкция қилиш, 6 та техник хизмат кўрсатиш биноси (пост ЭЦ) ва иншоотларини қуриш лойиҳаси кўзда тутилган. Участка бўйлаб 14 мингдан ортиқ пойдевор, 12 мингдан қўпроқ темир-бетон таянч ўрнатиш ва контакт тармоғини монтаж қилиш, мазкур тармоққа хизмат кўрсатиш учун эса махсус техникалар ва ҳимоя воситалари харид қилиниши режалаштирилган.

Ярим ертўла яшаш жойлари кимларга берилади?

Ислом ИБОДУЛЛА,
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

Хабарингиз бор, яқинда мутасаддилар кўп қаватли турар жой биноларининг ярим ертўла қисмларидан яшаш жойи сифатида фойдаланиш амалиётига ўтгилиши ҳақида ахборот берилган эди. АОКАда Қурилиш вазирлиги масъуллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида ўтказилган “Кўп қаватли уйлارнинг цоқол – ертўла қисмидан яшаш майдони сифатида фойдаланишнинг умумий қоидалари” мавзусидаги анжуманда мазкур турар жойларнинг тақсимот масалалари муҳокама этилди.

Охириги йилларда мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, одамларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида кўплаб ҳаракатлар олиб борилмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони асосида аҳолини уй-жой билан таъминлаш, ижтимоий ишлаб чиқариш, инфратузилмани яхшилаш ва комплекс тарзда қуриш мақсадида 29 та массивлар танлаб олинган.

2022-2026 йилларда қарийб 73 000 хонадонли 2100 дан ортиқ кўп қаватли уй-жойлар қуриш режа қилинган. Бунда 51 540 ўринли умумтаълим мактаби, 16 650 нафар болага мўлжалланган мактабгача таълим ташкилоти, 2 620 қатновли тиббиёт муассасалари ва бошқа объектларни қуриш мўлжалланган. Бугунги кунда дастур доирасида массивларда қурилиши режалаштирилган кўп қаватли уйлارнинг



намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилган. Бунда 7 та типда 5, 7, 9, 12 ва 16 қаватли уйлар қуриш кўзда тутилмоқда. Қурилиш ишларида ҳудудларнинг табиий-иклим шароитига алоҳида эътибор берилляпти. Масивларда кўкаламзорлаштириш ишларига ҳам эътибор қаратилляпти.

Шу ўринда уйлارнинг ярим ертўла, яъни цоқол қаватларида яшаш хонадонларини жойлаштириш бўйича меъёрлар тасдиқланди. Кўп қаватли уй-жойларнинг ярим ертўлаларида яшаш жойларини ташкил қилиш ҳамда хизмат кўрсатиш объектларини жойлаштириш бўйича бир қатор талаблар белгиланган. Булар хорижий амалиёт, давлат стандарти ва санитария нормалари асосида ишлаб чиқилган бўлиб,

қуйидаги ҳолларда ярим ертўла қаватларида яшаш хоналари ташкил этилади: ерости сувлари ер сатҳидан 3 метрдан пастда бўлганда;

ярим ертўла (цоқол)нинг камида учдан-бир қисми ер устида бўлганда; хоналарнинг баландлиги 2,4 метрдан кам бўлмаганда;

муҳандислик тизимлар яшаш хоналарини инobatга олган ҳолда жойлаштирилганда; ташқи деворлари ва полларида иссиқлик ҳимояси таъминланганда; 0331-16-сон санитария нормалари талаблари бажарилганда; хоналаридан тўғридан-тўғри ташқарига чиқувчи деразалар бўлганда;

табиий ёруғлик ва изоляция даражаси 2 соатдан кам бўлмаганда; ҳавонинг яхши айланishi таъминланганда; яшаш хонадонларидан эвакуация талаблари бажарилганда; таом тайёрлаш учун электр плиталардан фойдаланилганда, яъни табиий ёки суьюттирилган газдан, енгил алангаланувчи ва ёнувчи суьукликлардан фойдаланилмаганда ва бошқа талаблар мавжуд бўлганда белгиланган ярим ертўлалардан мақсадли фойдаланишга рухсат берилади.

– Ертўлалардан фойдаланишда бир қанча унсурлар инobatга олиниши керак, – деди Архитектура ва шаҳарсозлиқни ривожлантириш бошқармаси бошлиги ўринбосари Жаҳонгир Анваров. – Аввало, кўп қаватли турар жой массивининг геологик ҳолати цоқол – ертўла яшаш жойлари қуришга тўғри келса, бунда хусусий қурувчи тадбиркорлик субъектлари учун ҳам бу типдаги реконструкция жараёнини олиб боришга рухсат берилади. Бу тартибдаги ертўла яшаш жойлари маҳаллий ҳокимликлар томонидан хусусийлаштирилмаган тартибда молиялаштирилади. Ҳокимликлар томонидан рўйхатга олинган аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами бевосита ярим ертўла турар жойларидан фойдаланиши мумкин.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг миқёсди архитектура-қурилиш тадбирларига ҳамoҳанг равишда мазкур реконструкция жараёнилардаги ислохотларнинг аҳоли фаровонлигини таъминлаши, ҳаёт даражасини ошириши ва уй-жойга бўлган эҳтиёжини таъминлаши мақсад қилиб олинган. Тадбирда журналистлар мавзу доирасида ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди.

“O‘zgazloyiha” МЧЖ Кузатув кенгаши жамият директори лавозимига танлов эълон қилади!

Танлов номзодлардан тушган аризалар асосида ўтказилади.

АРИЗА БЕРУВЧИГА ҚЎЙИЛАДИГАН АСОСИЙ ТАЛАБЛАР:

✓

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида ёки хорижий давлатнинг таълим муассасаларида олинган ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ олий муҳандислик-техник (муҳандислик-иқтисодий) таълимга тенглаштирилган олий маълумотга эга бўлиши;

✓

лойиҳалаш ишларини такомиллаштириш ва нархнин пасайтириш, объектларни лойиҳалашнинг прогрессив усулларини жорий этиш бўйича ишларни ташкил этиш қобилияти;

✓

қурилиш объектларини лойиҳалашда узоқ муддатли ва жорий режаларни ишлаб чиқиш қобилияти;

✓

Ўзбекистон Республикасининг қурилиш соҳасини ривожлантиришни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини билиш;

✓

меҳнат, иқтисодий ва солиқ қонунчилиги асосларини билиш.

Маълумотлар номзоднинг танловда иштирок этишга розилиги, тақдим этилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги тўғрисидаги ариза илова қилинган ҳолда муҳрланган конвертда топширилиши керак.

Номзодлардан таклифларни қабул қилиш ушбу эълон матбуотда чоп этилган санадан бошлаб 15 кун муддатда қуйидаги манзилда амалга оширилади: 100020, Тошкент шаҳри, Беруний кўчаси, 83-уй (“Тинчлик” метроси).

Алоқа учун телефон: 71-242-44-58, моб.: +998-99 876-81-51, Арифжанова Гулбаҳор Абдуллаевна.

Электрон почта: Ozgazloyiha83@mail.ru

“Respublika mulk markazi” МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

Аукцион савдога O‘zbekiston Respublikasi Davlat xavfsizlik xizmati Chegara qo‘shinlarining 2022 йил 25 майдаги 30/4/1-7477-сонли буюрт-маномасига асосан Тошкент шаҳрида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситаларига тегишли бўлган бутловчи воситалар қўйилмоқда:

1. Автосирена 32 дона 488 171 сўм. **Жами** – 15 621 472 сўм.

2. Автосирена (без пульта) 6 дона 229 500 сўм. **Жами** – 1 377 000 сўм.

3. Автомобильный самбуфер “KLONG” 4 дона 424 500 сўм. **Жами** – 1 698 000 сўм.

4. Автоколонка “PIONER” 28 дона 205 450 сўм. **Жами** – 5 752 600 сўм.

5. Автоколонка “KENWOOD” 37 дона 268 671 сўм. **Жами** – 9 940 827 сўм.

6. Автомагнитофон “JSD” 192 дона 112 360 сўм. **Жами** – 21 573 120 сўм.

7. Автомагнитофон “JD” 19 дона 112 360 сўм. **Жами** – 2 134 840 сўм.

8. Автомагнитофон “GB” VS-3032B 30 дона 112 360 сўм. **Жами** – 3 370 800 сўм.

9. Автомагнитофон “CDX” 89 дона 112 360 сўм. **Жами** – 10 000 040 сўм.

10. Автомагнитофон “BOS” 2 дона 112 360 сўм. **Жами** – 224 720 сўм.

11. Автомагнитофон “UNP” 4 дона 112 360 сўм. **Жами** – 449 440 сўм.

12. Автомагнитофон “XBTQD” 9 дона 112 360 сўм. **Жами** – 1 011 240 сўм.

13. Автомагнитофон “D-TRQ” 8 дона 112 360 сўм. **Жами** – 898 880 сўм.

14. Автомагнитофон “HD-250” 39 дона 112 360 сўм. **Жами** – 4 382 040 сўм.

15. Автомагнитофон “PIONER” (950/317) 148 дона 112 360 сўм. **Жами** – 16 629 280 сўм.

16. Авто магнитофон “ULTRA SONIK” 20 дона 112 360 сўм. **Жами** – 2 247 200 сўм.

17. Зеркало заднего вида “BROADWAY” 91 дона 33 500 сўм. **Жами** – 3 048 500 сўм.

18. Авто монитор “TFTLCD color monitor” 18 дона 189 200 сўм. **Жами** – 3 405 600 сўм.

Аукцион савдо 2022 йил 13 июнь кuni соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). **Аризаларни қабул қилишининг охири мuddати:** 2022 йил 10 июнь кuni соат 16.00 гача.

Юқоридаги автотранспорт воситаларига тегишли бўлган бутловчи воситалар 2022 йил 13 июнь кuni сотилмаган тақдирда тақрорий савдолар 2022 йил 31 декабрь кунига қадар ҳар ҳафтанинг жума кuni соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Тақрорий савдо учун аризаларни қабул қилишининг охириги мuddати савдо бўлишдан бир иш кuni олдин соат 16.00 гача қабул қилинади.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 20 кун ичида сотувчи билан олди-соти шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланган ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини “RMM” МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2260 4000 2005 7145 2001 ХАТБ “Давр банк” Олмасзор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.
Тел.: 71-237-23-86.

001805 рақамли гувоҳнома.



ҒАЛАБА БОҒИГА НЕГА БОРАМИЗ?

Райхона ХҲЖАЕВА,
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

Фарзандларимнинг хоҳишига кўра, дам олиш кунлари пойтахтимиздаги Ғалаба боғига саёҳат қилдик. Аввал ҳам бир неча маротаба келган бўлишимга қарамай, бу боғ ҳар гал менга ўзгача туйғулар бағишлайверади. Ҳар сафар бу боғга келганимда юртимиздаги тинчлик, фаровонлик, яхши кунларни қадрини янада кўпроқ ва теранроқ ҳис қилгандек бўламан.

Боғ дарвозасидан киришим билан худди ўша, машум уруш даврини эслаб турувчи воқеалар кўз ўнгимда гавдаланишни бошлайди. Ҳар қадамда учрайдиган ҳарбий техника ва аскарлар, турли қурол-аслаҳалар мендаги бу тасаввурни янада кучайтиради. Ҳақиқийсидан асло фарқ қилмайдиган даражада ишланган бу композицияларни томоша қилар эканман, миллионлаб бегуноҳ инсонларнинг беҳуда тўкилган қони, фидо бўлган жони, шахид кетган аскарлар, ёшгина жони увол бўлган йигитларнинг ҳайкириги қўлоғим остида жаранглагандек бўлади.

Боғ ҳудудидagi музей эса бу туйғуларни янада жўш уришига хизмат қилади. От-арваларга ортилган озиқ-овқатлар, танимаган-билмаган инсонларга

кўрсатилган тиббий ва маънавий ёрдам, ўзи оч қолганига қарамай охириги бурда нонини ҳам ўзгаларга тутказган танти халқимиз сиймоси акс этган экспонатларни кўриб, уруш даврининг машаққатини ҳис қилгандек бўламан.

Бугун ҳам худди шундай ўй-хаёллар оғушида боғга кириб келдим. Ҳали уруш ва тинчликнинг фарқи бормайдиган фарзандларим учун боғдаги ҳар бир техника, танк ёки бошқа экспонатлар гўёки эртақдек қизиқ.

9 май – Хотира ва қадрлаш куни арафаси бўлгани боис, боғ бошқа пайтларга қараганда анча гавжум. Катта-кичиқ автобусларда узоқ-яқиндан келган ўқувчилар устозлари бошчилигида саёҳатга келишмоқда. Бир томонда байрамга тайёргарлик авжида.

Бу боғда томоша кўнглимга сиғмайди, рости. Худди жон олиб, жон талашаётган инсонлар хотирасига бефарқлик қилаётгандек ҳис қиламан ўзимни. Секин четроқдаги ўриндикда ўтириб ўтган-кетганини кузатаман.

Бир пайт каттакон автобусдан бир гуруҳ болалар устози бошчилигида боғ томон югуришди. Ҳаммасининг қўлида телефон, сельфи қилиш учун махсус мослама. Уларнинг боғга қирар-қирмас суратга тушиш мақсадида бир-бирини уриб кетгудек бўлиб шошилганини кўриб, ажабланмайман. Чунки бугун бу табиий ҳол. Кишилар кўзини очиб, куни билан қиладиган ишларидан то уйкуга

кетишини ҳам суратга олиб, ижтимоий тармоқларга жойлашига кўникиб қолишди. Болаларнинг айнан бу боғда қандай ҳаракат қилишни билмасликлари мени кўпроқ ажаблантирди. Наҳотки, устозлари бу ерга келишдан олдин "биз истироҳат боғига эмас, урушда ҳалок бўлган аждодларимизни хотирлаш учун бораемиз" деб бир оғиз огоҳлантирмаган бўлса?

Болалар ҳақида хулоса чиқаришга озроқ шошганга ўхшайман. Нега дейсизми? Худди асалари асални кўрганга ёпирилиб келганидек, ўттизтача боланинг қатор турган танкларга чирмашиб чиқиб-тушаётганини кузатар эканман, не ажабки, уларнинг орасида мендан нақд уч баробар келаётган дуркунгина устозига ҳам кўзим тушиб қолди-ку. Тагин муаллима шу гавдаси билан танкнинг энг тепасига чиқиб олганича, берилиб шогирдлари билан суратга тушмоқда. Ўзимни зўрга тутиб турар эканман, уларни кейинги хатти-ҳаракатини кузатишда давом этдим. Энг қизиқ, ўқувчилар на устозига экспонатлар ҳақида савол беришди ва на устозининг ўзи гапириб берди.

Саёҳатчи ўқитувчи ва унинг қизиқувчан шогирдларидан оқоплару фавворалар, деворлардаги ёзувлару ерга экилган гулларгача бебаҳра қолишмади. Қизиқчи устун келиб, уларнинг ортидан музейгача кириб бордим. Энди болалар экспонатларнинг ҳар би-

рини эринмасдан ушлаб кўра бошлашди. Музей ходимларининг ҳай-ҳайлашига қарамай, тўсиқ ортига ўтиб, машина ва бошқа техникаларнинг устига, ортига ўтиб яна суратбозлик қилишди.

Музейда ҳам бу қайси экспонат, у нима мақсадда ишлатилган, деган гаплар ҳеч кимнинг ҳаёлига келмади. Чидолмадим. Устозини секингина гапга тутдим.

– Қардан келдинглар, ўқувчиларингиз жуда шўх эканми?
– Тошкент вилоятидан. Дарс режамда "Хотира ва қадрлаш куни" ҳақида мавзу бор эди, шунга болалар билан айлангани келувдик.

– Яхши қилибсиз-да. Аммо болаларга боғ ва экспонатлар ҳақида гапириб бермаясиз-ку ёки ҳаммасини келгунича тушунтириб бўлганидингиз?

– Нималар деясиз, ахир биз айлангани келганмиз-ку. Ҳеч бўлмаса шаҳарга келганда болаларимни мияси дам олиб, маъза қилиб дам олиб кетсин...

Тамом. Бошқа саволга ҳоҳат йўқ. Ахир, бу ер сизларга "Tashkent city" эмас-ку, фаввора олдида расмга тушадиган. Бу боғ маънавият ўчоғи, унда бир пайтлар бизни тинчлигимизни ўйлаб, юртимизни ҳимоя қилган инсонлар хотираси абадийлаштирилган. Уларни ҳурмат қилишимиз, ҳар бири ҳақида тушунчага эга бўлиб, қадрлашимиз керак деган гапларни жуда ҳам айтгим келди. Аммо...

– Бизга экспонатлар ҳақида маълумот берадиган одам ҳам керак эди...

Шартта ортимга бурилиб қарасам, ёшгина эр-хотин, қўлида бир яшар гўдаги, яна уч ёшлар чамасидаги қизалоқни етаклаб олишган. Уларнинг саволидан ажабландим рости.

– Болаларингиз бу боғга келишга ҳали жуда ёш эмасми, уларга кўпроқ аргимчоқлари бор парклар ёқса керак. Тагин, экспонатлар ҳақида улар барибир тушунмаса...

– Гапингиз тўғри опаюн, – дея жувон менга юзланди. – Аммо биз фарзандларимиз эсини танимасдан туриб, аждодлари ҳақида, уларнинг жасорати, қурбонликлари ва тарихи ҳақида кўриб, билиб, эшитиб ўсишларини истаймиз. Бутун кун давомида битта буюм ёки биттагина сўз ёдида қолса ҳам хурсанд бўламан.

Тасанно. Ахир, бўлар экан-ку! Энг қизиғи, унинг сўзлари нафақат мени ҳайратга солди, балки боя суҳбатимиз чала қолган устознинг ҳам қоронғи кўнглини ёритиб юборди. Бир зумда сельфибозлик қилаётган ўқувчиларини тўплаб, жанг қилаётган аскарларга озиқ-овқат етказиб бериш учун халқимиз қилган фидойиликлар ҳақида сўзлай кетди.

Боғни тарқ этарканман, шундай тинч ва осуда мамлакатда яшаётганим, унда фарзандларим хотиржам, бекам-куст ўсаётгани учун яна бир бор шукр қилдим.

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ АСБЕСТ ЦЕМЕНТ ҚУВУРЛАР

Асбест цемент қувурлар – қувурлар шакллантирадиган машиналарда шаклга келтириш орқали ишлаб чиқарилади. Унинг асосий компоненти минерал тўлдирувчи – цемент елими билан битта ягона монолитга цементлаштирилган асбестдан иборат.

Бунда оддий металл қувурлари билан солиштирганда, асбест цемент қувурлари бир қатор устунликларга эга. Хусусан, асбест цемент енгил, арзон, металл қувурларга хос бўлган электр токидан ҳосил бўлувчи коррозия туфайли бузилишга чидамли. Негаки, улар минераллашган сувларнинг таъсирига анча бардошли. Шу билан бирга сувнинг

ушбу қувурлар деворларига ишқаланиши металл трубаларга нисбатан кам. Бу эса уларнинг ўтказувчанлик қобилиятини оширади. Шунингдек, асбест цемент қувурларининг иссиқликни ўтказмаслик қобилияти ҳам мавжуд. Бу уларни ичидаги сувнинг музлаб қолишидан қўрқмасдан чўян қувурларга нисбатан кам чуқурликда ўтказиш имконини беради.

Бундан ташқари, асбест цемент қувурларидан саноат ва турар жой биноларида канализация қувурларини ўтказишда, мўрилар ва ахлат ташлаш учун қувурлар, турли хил дренаж коллекторлари, электр энергияси ва телефон алоқаси кабеллари, деворлар учун таъин сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.



БУ – ҚИЗИҚ

Хитойда кўп қаватли ўрмон уйи қурилди

Easyhome huanggang номли вертикал ўрмон турар жой мажмуаси Хуангганг шаҳрида жойлашган.



Бинода 404 та дарахт ва 4,62 минг туп бута бор. Улар йилига 20 тоннадан ортиқ карбонат ангидридни ўзлаштиради ва тахминан 11 тонна кислород ишлаб чиқаради.

Таққослаш учун, оддий енгил автомобилбей атмосферага кунига тахминан 9 литр карбонат ангидрид газини чиқаради.

Қуш ини кўринишидаги черепицалар



Туркияда томни ёпиш учун ишлатиладиган черепицалар энди қушлар учун ин ҳам бўла олади. Туркиялик мутахассислар черепицаларни қуш ини кўринишида чиқармоқда ва бу қушларни асраш, уларнинг яшаши ҳамда кўпайиши учун қилинган ижобий қадамдир.

Қушларга меҳр, уларга озор бермаслик ва қушларни дўст сифатида кўришда туркияликлардан ўрнак олсак арзиди. Бу лойиҳа келажақда кенгайишига ва қушлар учун енгиллик бўлишига умид қиламиз!

Ўз мухбиримиз.

ТУГИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Май ойининг охирида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси архитектура, лойиҳалаш ва бош режаларга rioя қилиш устидан назорат бўлими бош мутахассиси **Баҳодир Қасимов**, бош бухгалтер **Татьяна Ким**,

Андижон вилояти, Булоқбоши тумани қурилиш бўлими шаҳарсозлик қонунчилигига rioя этилиши назорати бўйича архитектор **Шоҳрухбек Исмоилов**, Хонобод шаҳар қурилиш бўлими шаҳарсозлик қонунчилигига rioя этилиши назорати бўйича архитекторлари **Жалолiddин Манасов**, **Қаҳрамон Пирматов**,

Бухоро вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси ИКТ мутахассиси **Мухаммад-Мусо Исабаев**,

Жиззах вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими етакчи инспектори **Лазиз Мукумов**, бош юрисконсулт **Отабек Игамбердиев**,

Қашқадарё вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси инспектори **Элбек Тоғайев**, мутахассис **Дилшод Бобоқулов**,

Наманган вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси ҳайдовчилари **Хусниддин Ҳасанов**, **Обиджон Келдиев**,

Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳар қурилиш бўлими бош мутахассиси **Шаҳбоз Нарзуллаев**,

Сирдарё вилояти қурилиш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари – вилоят бош архитектори **Тўлқинжон Султонов**,

Тошкент вилояти, Қибрай тумани қурилиш бўлими объектларни жойлаштириш ва бош режаларни амалга ошириш масалалари бўйича архитектор **Жавоҳир Исроилов**, "Шаҳарсозлик хужжатлари экспертизаси" ДУК Тошкент вилояти филиали мутахассиси **Рухсора Камалова**,

Хоразм вилояти қурилиш бош бошқармаси қоровули **Ҳамдамбек Аннаков**ларни таваллуд кунин билан чин дилдан муборакбод этамиз.

Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, мустақкам соғлиқ тилаймиз!



ЎЗБЕКИСТОН БУНЫОДКОРИ
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Батир Закиров
(Тахрир хайъати раиси),
Козим Туляганов,
Эркин Искандаров,
Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов,
Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов,
Қудратбек Хошимбеков.

ТАХРИРИЯТ:

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир уринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусахҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

Газета «Ўзбекистон бунёдкори»
НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ томонидан
нашрга тайёрланди.

«ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ»
НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ
МУАССИСЛАРИ:

Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш вазирлиги,
«Ўзсаноатқурилишматериаллари»
уюшмаси, «ЎзГАСҲҚЛИТИ» ДУК,
«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100011, Тошкент шаҳри,
Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар:
71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (қотибият),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-05-15 (реклама ва обуна
бўлими).
E-mail: uzbunyodkori@mail.ru

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:

Қорақалпоғистон
Республикаси: 90-590-37-15.
Андижон вилояти: 93-410-15-18.
Бухоро вилояти: 99-705-50-15
Жиззах вилояти: 99-525-30-05.
Навоий вилояти: 99-731-17-40.
Наманган вилояти: 90-553-02-34.
Самарқанд вилояти: 95-560-30-45.
Сурхондарё вилояти: 91-981-61-63.
Фарғона вилояти: 90-230-85-23,
90-163-63-82.
Қашқадарё вилояти: 99-503-43-39.
Хоразм вилояти: 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 0874-рақам билан
руйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-543.
2221 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 3 табоқ, офсет усулида
босилган. Баҳоси келишилган
нархда. ISSN 2181-8762.
Тахририятга келган қўлёзмалар
тақриз қилинмайди ва муаллифга
қайтарилмайди.
Газета тахририят компьютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан
сифатли чоп этилишига
«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси масъул.

ҚОРХОНА МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир –
А. Ҳақбердиев.
Навбатчи – Р. Ҳўжаева.

ЎзА яқуни – 21.26.
Топширилди – 22.26.

1 2 3 4 5 6

Газетамизнинг келгуси сони
2022 йил 3 июнь кунин чиқади.